ИОН – ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 30.05.2018. FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАЛИШЕВА МАРИЯ ЕВГЕНИЕВНА

ПАРАМАГНИТ КРИСТАЛЛАРДА НОКРАМЕРС Eu^{3+}, Tb^{3+} ВА Pr^{3+} ИОНЛАРИНИНГ МАГНИТООПТИКАСИ

01.04.05–Оптика

ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент –2019

УДК: 537.632.4

Физика-математика бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по физико–математическим наукам

Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences

Малишева Мария Евгениевна
Парамагнит кристалларда нокрамерс Eu^{3+}, Tb^{3+} ва Pr^{3+} ионларининг магнитооптикаси …….. 3

Малышева Мария Евгениевна
Магнитооптика некрамерсовских ионов Eu^{3+}, Tb^{3+} и Pr^{3+} в парамагнитных кристаллах ……..…….. 23

Malysheva Mariya Yevgeniyevna
Magnetooptics of the Non-Kramers ions Eu^{3+}, Tb^{3+} and Pr^{3+}in paramagnetic crystals ……. 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..……..……..…….. 47

ИОН – ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 30.05.2018. FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАЛИШЕВА МАРИЯ ЕВГЕНИЕВНА

ПАРАМАГНИТ КРИСТАЛЛАРДА НОКРАМЕРС Eu^{3+}, Tb^{3+} ВА Pr^{3+} ИОНЛАРИНИНГ МАГНИТООПТИКАСИ

01.04.05–Оптика

ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент –2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида рақам билан B2017.2.PhD/FM68 рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet»Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Валиев Уйгун Вахидович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Нематов Шерзод Каландарович** физика-математика фанлари доктори
	Ахмеджанов Фархад Рашидович физика-математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Самарканд Давлат Университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100125,Ташкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33 ўй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz, Ион – плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали)

Диссертацияси билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33 ўй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «____»_____даги __ рақамли реестр баённомаси).

Х.Б. Ашуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

Д.Т. Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Б.Е. Умирзаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий магнитооптика икки маълум илмий йўналишни – физикавий оптика ва магнит ҳодисалар физикасини ўз ичига олган физиканинг бўлимларидан биридир. У ўз ичига ташқи магнит майдонига жойлаштирилган материаллар оптик хусусиятларининг анизотропияси билан боғлиқ муаммоларни ўз ичига қамраб олади. 1960 ва 1970 йилларда бошланган магнитооптик тадқиқотлар жадал ривожланишининг дастлабки босқичларида асосий эътибор етарлича магнитооптик эффектлар, яқинва инфрақизил диапозонларда юқори шаффофлик билан характерланувчи янги магнит нодир-ер (НЕ) диэлектриклар яратиш йўналишларига қаратилди.

Ҳозирги кунда дастлабки олиб борилган тадқиқотлардан олинган ўта қизиқарли натижалар тез орада ҳозирги вақтда яхши маълум бўлган фотоника, оптоэлектроника ва микроэлектроника соҳаларида ҳамда магнитооптик эффектлардан техник иловалар яратишда кенг имкониятлар пайдо бўлишига олиб келди. Бундан ташқари, нодирер магнит диэлектрикларини фундаментал тадқиқ қилишга катта қизиқиш мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса уларнинг қаттиқ жисмлардаги магнит ҳодисалар бўйича фундаментал муаммоларни ечиш имкониятларини беришидадир.

Сўнгги 10-15 йил ичида уч валентли нодир-ер ионлари Eu^{3+}, Tb^{3+} ва Pr^{3+} лар биланлегирланган парамагнит кристаллар гранатлари – $R_3Ga_5O_{12}$ (RGaG) даги галлатлар ва $R_3Al_5O_{12}$ (RAG) алюминатларнинг оптик, магнит ва магнитооптик характеристикаларини ўрганишга бағишланган етарлича катта миқдордаги илмий ишлар пайдо бўлди. Бу ионлар (масалан, Tb^{3+}) билан фаоллаштирилган гранатлар кристаллари магнитланиши аксарият ҳолларда уларнинг оптик характеристикаларидаги ўзгаришлар стандарт номагнит спектроскопик методлар ёрдамида олинган спектрлар билан солиштирилганда сезиларли даражада бўлади (одатда 50% дан 100% гача). Маълумки, НЕ–бирикмаларига ўхшаш бирикмаларнинг магнит хусусиятлари НЕ–ионларининг мультиплетлари пастки сатҳларининг тўлқин функциялари симметриялари ва кўринишлари орқали аниқланади. Айни вақтда, Фарадей эффекти (ФЭ), магнит циркуляция қутбланиш алюминесценцияси (МЦҚЛ), магнит доиравий дихроизми (МДД) каби магнитооптик фаоллик катталиклари муҳим даражада гранатлар кристалларидаги бу нокрамерс НЕ – ионларининг уйғотилган мультипетлари ҳиссаси билан аниқланади. Лекин ҳозирги вақтда қуйи симметрикликка эга D_2 симметрияли кристалл майдон томонидан таъсирга учрайдиган, галлат ва алюминат гранаталари таркибига киритилган нокрамерс НЕ – ионлари Eu^{3+}, Tb^{3+} ва Pr^{3+} энергетик спектрлари структураси бўйича экспериментал тадқиқотлар тўғрисида бирор–бир маълумот йўқ. Бундан ташқари, тадқиқ қилинаётган НЕ–ионлари асосий мультипетларининг «квазидуплет» деб аталувчи тузилишибилан боғлиқ магнитоопотик фаолликнинг пайдо бўлиши макроскопик механизмлари кам ўрганилган.

Ҳозирги кунда Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикасининг келгусидаги ривожланишининг 2017–2021[1] йилларга мўлжалланган беш устувор йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишнинг мақсадиҳамда вазифалари белгилаб олинди, уларни рағбатлантириш, илмий ва иновацион ютуқларни амалиётда қўллашнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари қошида махсус илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технологиялар марказлари ва технопаркларни ташкил қилиш чора-тадбирлари кўриб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан таркибига НЕ-бирикмаларининг оптик ва магнитооптик усуллари киradиган тадқиқотнинг илмий-амалий методларига катта эътибор қаратилмоқда. Юқорида санаб ўтилган ушбу илмий тадқиқот методлари нафақат ўзбек тадқиқотчиларини, балки юқори технологиялар ривожланган дунё мамлакатлари илмий тадқиқотчиларини ҳам диққат марказидабўлиб келмоқда.

Ушбу тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси илмий тадқиқот фаолиятини янада юқори даражаларга чиқариш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 февраль 2017 йил «Ўзбекистон Республикасининг келгуси ривожланишининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» №ПФ-4947 сонли, 27 апрель 2018 йил «Иновацион ғоя, технологиялар ва лойиҳаларни амалда қўллаш тизимини келгусида ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги» №ПҚ-3682 сонли, 7 май 2018 йил «Иқтисодий соҳа ва тармоқларда инновацияларни киритиш механизмларини янада такомиллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» №ПҚ-3698 сонли қарорлари ҳамда ушбу фаолият соҳасига тегишли бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши тадқиқотлари хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республиканинг фан ва технологиялари ривожлантиришининг устувор йўналишларига. Мазкур тадқиқот республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги»га мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилган даражаси. Ҳозирги кунда нодир-ер магнит диэлектрикларини фундаментал тадқиқ қилишга катта қизиқиш мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса уларнинг қаттиқ жисмлардаги магнит ҳодисалар бўйича фундаментал муаммоларни ечиш имкониятларини беришидадир.

Магнитооптик эффектларнинг (моҳияти бўйича дифференциал) ташқи физик таъсирларга ўта юқори сезгирлиги туфайли ушбу тадқиқотлар нодир-ер металлари бирикмаларининг энергетик спектрлари ва тўлқин функцияларини ўрганиш учун фойдаланиладиган анъанавий методлар ёрдамида олиб бўлмайдиган муҳим ва ноёб ахборотларни олиш имконини беради.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 февралдаги № ПФ-4947 сонли Фармони «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».

Ушбу ёндошувнинг кўриниб турган афзалликлари бу моделлаштириш ва ҳисоблашларнинг нисбатан соддалиги бўлиб, улар галлатлар (RGaG) ҳамда алюминатлар (RAG) гранатлари таркибига киритилган Eu^{3+}, Tb^{3+} ва Pr^{3+} нинг магнитооптик спектрлари интерпретациясини амалга ошириш имконини беради. Сўнгги 10-15 йил ичида нодир-ер металлари бирикмаларининг магнитооптикаси ва оптикасига бағишланган етарлича катта миқдордаги илмий ишлар пайдо бўлди. Шунингдек, замонавий илмий адабиётларда бу бирикмаларнинг доиравий магнитооптик анизотропияси бўйича кристалл майдон ва (4f→4f) ички конфигурацион ҳамда (4f→5d) конфигурациялар электрон ўтишлар интенсивлиги назарияларида энг сўнгги ишланмалардан фойдаланган ҳолда олинган тажриба натижаларини ўз ичига олган ишлар сони етарлича. Бундан ташқари, XX асрнинг сўнгги йилларида турли мамлакатлар олимлари томонидан НЕ–бирикмаларида магнитооптик ҳодисаларни тушунтириш мақсадида микроскопик назария муваффоқиятли қўлланилди. Уларга магнитооптик фаоллик (ФЭ, ЛМДҚ, МДД) юзага келиши янги микроскопик механизмининг очилишини киритиш мумкин. Бу механизм гранат структурасидаги нокрамерс НЕ– ионларининг яқин ётган штарк синглетлари ҳолатларининг Н магнит майдони билан «қўшилиши» билан боғлиқ бўлиб, Tb^{3+} ва Pr^{3+} ионлар билан фаоллаштирилган қатор кристаллар гранатларида кузатиладиган магнитооптик эффектларнинг рекорд қийматларини тўғри талқин қилиш имконини беради. Лекин, рекорд магнитооптик эффектларнинг пайдо бўлиш табиатини батафсил қараб чиқиш нокрамерс НЕ– ионлари Eu^{3+}, Tb^{3+} ва Pr^{3+} ҳолатининг магнитооптик-фаол 4f → 4f ўтишлари комбинациялари ғалаёнлар назарияси (тўлкин функцияларини «қўшиш»ни ҳисобга олган ҳолда) ва танлаш қоидаси (симметрия бўйича)ни ўрнатиш бўйича бир қатор масалаларни ечишни талаб қилади.Бундан ташқари, қуйи симметрияга эга D_2 симметрияли кристалл майдонларда нокрамерс НЕ– ионлари Eu^{3+} , Tb^{3+} ва Pr^{3+} нинг асосий $4f^{(n)}$–конфигурацияси мультиплетлари энергетик спектрлари тўғрисидаги ахборотларнинг йўқлиги каби, тадқиқ қилинаётган НЕ– ионлари асосий мультиплетларининг «квазидуплет» структурасини ҳисобга олган ҳолда парамагнит кристаллардаги магнитооптик эффектларнинг пайдо бўлиши механизмларининг мавжуд эмаслиги мазкур тадқиқот мавзусини танлашга асосий сабаб бўлди. Шу сабабли, ушбу диссертация ишда $R_3Ga_5O_{12}$ ва $R_3Al_5O_{12}$ гранатлар структураларида қуйи симметрияга эга D_2 симметрияли кристалл майдонларда нокрамерс НЕ– ионлари энергетик спектрларининг штарк ажралишлар уларнинг оптик ва магнитооптик хусусиятларига таъсири экспериментал ҳамда назарий тадқиқ қилиш вазифаси қўйилди.

Диссертациямавзусининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасаси илмий-тадқиқотишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎМУ да давлат бюджети бўйича олиб борилаётган «Конденсирланган муҳитларнинг оптик тадқиқотлари» мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар билан бевосита боғлиқ. Натижаларнинг бир қисми Ўзбекистон Миллий Университетида олиб борилган ва олиб борилаётган ОТ-

Ф2-064 «Магнитооптик оптик методлар ёрдамида нодир-ер металлари ва ўтиш металлари оксидларида ичкимарказий ўтишларни тадқиқ» (2007-2011) ва ОТ-Ф2-09 «Кўп компонентали оксидланган кристаллар спектрал характеристикаларига оптик ионизацион нурланишларва уларнинг таъсири механизмларининг физик асослари» (2017-2020) мавзуларидаги илмий лойиҳаларни бажариш мобайнида олинган.

Тадқиқотнинг мақсади таркибига Pr^{3+} иттрий-алюминий ва Eu^{3+} ҳамда Tb^{3+} нокрамерс ионлари киритилган гадолиний–галлий кристаллари гранатларининг магнитооптик, магнит ва оптик хусусиятларини экспериментал ва назарий тадқиқ қилиш ва парамагнит кристалларда магнитооптик эффектларнинг юзага келиш механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$Eu_3Ga_5O_{12}$(EuGG) парамагнит гранати монокристаллида Фарадей эффекти (ФЭ) дан Верде V гиромагнит доимийлик катталикларини назарий йўл билан ҳисоблаш ва уларнинг тажриба натижалари билан солиштириш;

ўлчанган магнит доиравий дихроизми (МДД) ва оптик ютилиш спектрларини солиштириш, шунингдек 90К ва 300К температураларда кўринадиган ва яқин ультрабинафша соҳаларда парамагнит гранат монокристалларида Eu^{3+}, Tb^{3+} ва Pr^{3+} нокрамерс ионлари магнит циркуляр қутбланиш люминесценцияси (МЦҚЛ) ва люменесценция спектрларини солиштириш;

$Eu_3Ga_5O_{12}$(EuGG) парамагнит гранати монокристалли магнит қабул қилувчанлиги катталигини назарий йўл билан ҳисоблаш ҳамда экспериментал тадқиқ қилиш;

ташқи H-магнит майдони таъсирида $^7F_1$ мультиплет ҳолатининг $^7F_0$ ҳолати билан «аралашиши»ни ҳисобга олган ҳолда $^7F_0 \rightarrow {}^5D_1$ ўтишнинг магнитодипол характерини назарий йўл ҳамда эксперимантал асослаш;

тажриба йўли билан оптик ўтишлар Жад параметрлари интенсивлигига ўхшаш, ичкиконфигурацион $4f \rightarrow 4f$ переходов $F_\lambda(\lambda = 2, 4, 6)$ ўтишларнинг магнитооптик-фаол интенсивликлари тўғрисида маълумотлар олиш мақсадида МДД моментлар методи асосида тартиблашмаган $Ca_3Ga_2Ge_4O_{14}$: 5% Pr^{3+} парамагнит кристаллининг магнитооптик ютилиш спектрларини тадқиқ қилиш ва интерпретациялаш.

Тадқиқотнинг объекти $Eu^{3+}(4f^8)$, $Tb^{3+}(4f^8)$ ва $Pr^{3+}(4f^2)$ нокрамерс ионлари киритилган $Gd_3Ga_5O_{12}$ (GGG), $Y_3Ga_5O_{12}$ (YGG), $Y_3Al_5O_{12}$ (YAG), $Ca_3Ga_2Ge_4O_{14}$парамагнит гранатлар монокристаллари, шунингдек $Eu_3Ga_5O_{12}$(EuGG) монокристалли ҳисобланади.

парамагнит кристалларда магнитооптик эффектлар юзага келишининг асосий механизмларини ўрнатиш, энергетик спектрларнинг янада аниқроқ структураларини аниқлаш ҳамда магнитооптик, оптик ва магнит тадқиқот натижаларидан фойдаланиш асосида парамагнит гранатлар монокристалларида Eu^{3+}, Tb^{3+}ва Pr^{3+} нокрамерс ионларининг $4f^{(n)}$-электрон конфигурацияли асосий

ҳолати уйғотилган мультипетларининг яқин жойлашган штарк сатҳчалари тўлқин функцияларининг симметрик идентификацияларини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Ютилиш, флуоресценция, магнит доиравий дироизми (МДД), люминесценциянинг магнит циркуляр қубланиши (ЛМЦҚ) спектрларини магнит, спектрал-люминесцент ва магнитооптик тадқиқ қилиш усуллари; магнитланган намунадан чиқувчи ёруғлик оқимларининг модуляциялашган қутбланиш методи; оптик схемадан чиққан сигналларни қайд қилиш электрон схемасида фойдаланиладиган синхрон детектирлаш методи; эксперимантал ва бошқа ахборотларни қайта ишлашнинг математик ва ҳисоблаш усуллари.

Ишнинг илмий янгилиги:

илк бор тажриба йўли билан $Eu_3Ga_5O_{12}$ парамагнит гранат монокристаллида кузатиладиган ФЭда «гиромагнит» улуш ҳиссаси ва Верде «гиромагнит» доимийси қиймати олинган ва олинган қийматлар назарий ҳисоблашлар натижалари билан мос келиши кўрсатилган;

парамагнит нодир-ер бирикмаларининг оптик ва магнитооптик тадқиқотларида олинган катталикларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ютилиш полосаларида энергетик спектрларида «квазидублет» структурага эга Pr^{3+} ва Eu^{3+} нокрамерс ионларида «ман қилинган» 4f→4f утишлар натижасида магнитооптик эффектларнинг юзага келишида квантомеханик «аралаштириш» эффекти муҳим роль ўйнаши топилган;

илк бор D_2 симметрия кристалл майдонида Eu^{3+} ионнинг кристалл-майдон сатҳлари учун тўлқин функциялари тўпламидан фойдаланган ҳолда етарлича катта температура интервалида кубик $Eu_3Ga_5O_{12}$ монокристаллининг [111] ўқи бўйлаб моляр магнит сингдирувчанлиги $\chi_m(Eu^{3+})$ нинг температурага боғлиқлиги назарий йўл билан ҳисобланган ва бу натижалар тажриба натижалари билан тўла мос келиши аниқланган;

илк бор EuGG НЕ-гранатида $^7F_0 \rightarrow {}^5D_1$ ўтишнинг магнитодипол характери интерпретациялари гранат структурасидаги Eu^{3+}ионининг $^7F_0$ и $^7F_1$ мультиплетлари Штарк ҳолатлари аралашишини ҳисобга олишга асосланган, Т=90К ва Т=300К температуралардаги МДД тадқиқотлари натижалари билан тасдиқланиши аниқланган;

$Ca_3Ga_2Ge_4O_{14}$: 5% Pr^{3+} тартиблашмаган парамагнит бирикмалар магнитооптик спектрларини аниқлаш асосида магнитооптик-фаол 4f→4f ички конфигурацион ўтишлар интенсивлигининг Жад параметрлари нисбати аниқланган ва уларнинг магнитооптик фаоллиги назарий йўл билан топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

спектрнинг кўринадиган ва УБ соҳаларида ишлайдиган дисплейлар, оптик изоляторлар, ёруғлик нурланиши модуляторлари каби турли магнитооптик қурилмаларни НЕ– гранатларининг оптик ва магнитооптик хусусиятлари асосида ўрганиш;

тадқиқ қилинган НЕ–бирикмалардан стандарт оптик дамлашдан фойдаланган ҳолда микротўлқинли диапазондаги квант кучайтиргичлари ва генераторларида фаол муҳит сифатида фойдаланиш;

НЕ–ионлари аралашмаси билан легирланган турли фосфорларда амалга оширилувчи «квант нарезкаси» деб аталувчи эффектда ғалаёнланишни узатишда қатнашувчиоптик марказлар сифатида фойдаланиш.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган экспериментал натижаларнинг бошқа қайд қилиш методлари ёрдамида олинган натижалар билан солиштириш, шунингдек экспериментал натижаларни назарий ҳисоблашлар билан солиштириш имкониятининг мавжудлигидадир.

Магнитооптик тадқиқотлар ўтказишда спектрал боғланишларни қайд қилиш ва қайта ишлашнинг замонавий методларидан фойдаланган бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган натижалар билан солиштириш ва ўтказилган параллел ўлчашлар натижалари билан асосланади.

Тадқиқот натижларнининг илмий ва амалий аҳамияти. Оптик ва магнитооптик тадқиқот натижаларини солиштириш, парамагнит кристалларда нокрамерс НЕ–ионларининг асосий ва уйғотилган ҳолатлари тўлқин функцияси симметрияси ҳақидаги ахборотларни олиш имкониятлари. Шунингдек НЕ–магнетикларнинг оптик ва магнитооптик хусусиятларини белгиловчи физик механизмларнинг фундаментал тасввурларини амалий қўллаш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан етарлича долзарб бўлган ҳамда НЕ–магнетикларнинг оптик ва магнитооптик хусусиятларини аниқлаб берувчи гранатлар монокристалларида (галлатлар ва алюминатлар) Eu^{3+}, Tb^{3+} ва Pr^{3+} ионларнинг магнитооптик фаоллиги асосий механизмларини микроскопик даражада ифодалаш.

Тадқиқот натижаларининг амалиётда қўлланилиши қуйидагилар орқали аниқланади: магнитооптика соҳасида олиб борилган чуқурлаштирилган фундаментал тадқиқотлар жуда муҳим, чунки ҳозирги вақтда аксарият оптик ва аралаш техник иловаларда фойдаланиш учун магнитооптик қурилмалар кундан-кун кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таркибига НЕ–ионлари Eu^{3+}, Tb^{3+} ва Pr^{3+} киритилган гранатлар (галлатлар и алюминатлар) монокристалларининг магнитооптик хусусиятларини аниқлаш асосида:

гадолиний – галлийли гранатлари структурасидаги Tb^{3+} ионлари магнитооптикаси ҳамда магнитоптик эффектларни кузатиш хусусиятлари ва кристалларда модуляцияланган қутбланиш усулидан фойдаланган ҳолда кристалларда магнитооптик эффектларни ўлчаш бўйича олинган натижалар: «Технодизайн-консалтинг» компаниясида магнитооптик материаллар, хусусан турли кристалл матрицаларда Tb^{3+} ионлари магнитооптикасига тегишли бўлган материалларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган (Россия Федерацияси «Техно-дизайн консалтинг» компаниясининг 2019 йил 15 майдаги 10/04-19-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш таркибига Eu^{3+}, Tb^{3+}, ионлари киритилиб ўстирилган иттрий-алюминийли гранатлар

кристалларининг магнитооптик фаоллигини сезиларли даражада ошириш имконини берган;

европий-галлийли гранатларидаги ички конфигурацион ўтишлардаги ютилиш спектрлари хусусиятлари бўйича олинган натижалар хорижий журналларда (Journal of Rare Earths,Vol 30, №10, 2012, IF:2,524; Journal of Rare Earths,Vol 30, №12, 2015, IF:2,524; Journal of Applied Physics,114,163521, 2013; IF:1,82; Journal of Luminescence, 2015, IF:1,40; Coordination Chemistry Reviews, 295, 2015, IF:4,87) кристалл структураларда НЕ-ионлари энергетик сатҳлари тўлқин функцияларини ҳисоблаш ва энергетик спектрларини интерпретация қилиш учун фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланиши Eu^{3+} иони $4f^6$-конфигурациясининг энергетик структурасини аниқлаш, ички конфигурацион ўтишлар интенсивлигини ҳисоблаш имконини берган ва босим ўзгаргандаги европий-галлийли гранатлар кристалл структурасидаги ўзгаришларни кўриш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6та халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп қилинган, шулардан 9 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда илмий мақола, жумладан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6та халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп қилинган, шулардан 9 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда илмий мақола, жумладан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, мавзунинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқот нтижаларининг амалий аҳамияти ва илмий янгилиги баён қилинган,

олинган натижаларнинг амалда қўлланилишининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Диссертация структураси ва диссертацион мавзу бўйича чоп этилган ишлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Нодир-ер парамагнит гаранатларининг кристаллографик структураси ва магнитооптик хусусиятлари» мавзусидаги биринчи бобида магнит, оптик ҳамда магнитооптик хусусиятлар, галлатлар ва алюминатларнинг нодир-ер гранатлари кристаллографик структураси қараб чиқилади. Қуйи симметрияли кристалл майдонда мавжуд НЕ–ионлари энергетик спектрларидаги ман қилинган конфигурациялар ичидаги ўтишлар учун Жад-Офельт назариясининг асосий ҳолатлари қараб чиқилган. НЕ–бирикмалари магнитооптикаси бўйича адабиётлар таҳлили асосида қаралаётган объектларда магнитооптик фаолликнинг юзага келиши маълум бўлган барча механизмлари батафсил баён қилинган. Диссертациянинг тадқиқотлар мавзусига оид экспериментал ва назарий ишларининг қисқача таҳлили берилган.

«Ўлчаш методикаси ва экспериментал қурилма» мавзуидаги иккинчи бобда оптик, магнит ва магнитооптик тадқиқотлар ўтказишда фойдаланилган экспериментал қурилма ва ўлчаш методикалари баён қилинган. Тадқиқ қилинган намуналар характеристикалари келтирилган ҳамда ўлчаш хатоликлари таҳлил қилинган.

Таркибига $Eu^{3+}(4f^8)$, $Tb^{3+}(4f^8)$ ва $Pr^{3+}(4f^2)$ нокрамерс ионлари киритилган $Gd_3Ga_5O_{12}$(GGG), $Y_3Ga_5O_{12}$ (YGG), $Y_3Al_5O_{12}$ (YAG), $Ca_3Ga_2Ge_4O_{14}$ парамагнит гранатлари монокристаллари, шунингдек $Eu_3Ga_5O_{12}$(EuGG) монокристалли МДУнинг магнетизм муаммолар лабораториясида Б.В.Милл томонидан ўстирилган. «эриётгандаги эритма» дан ўз-ўзидан кристалланиш методи ёрдамида олинди (юқори температурали Чохральский методи). Намуналар рентгенографик метод орқали (111) ва (110) кристаллографик текисликларда йўналтирилган.

Оптик, магнит ва магнитооптик тадқиқотларни амалга оширишда қуйидаги экспериментал қурилмалардан фойдаланилди:

1) МДД ва ЛМЦҚ спектрларини ўлчаш қурилмаси.

2) Люминесценция спектрларини ўлчаш қурилмаси.

3) НЕ-бирикмалари магнит хусусиятларини ўлчаш қурилмаси: тебранувчи намунали тебраниш магнетометри.

4) Оптик ютилиш спектрларини ўлчаш қурилмаси:оптик зичлиги *D* бўлган узлуксиз сигналларни қайд қилиш имкони мавжуд МДР-23 монохроматор асосида амлга оширилган бир нурли дифракцион спектрофотометр.

5)Фарадей эффектини ўлчаш қурилмаси.

«Нодир-ер парамагнит кристалларда магнит-дипол ўтишлар магнитооптикаси « номли учинчи бобда $Eu_3Ga_5O_{12}$(EuGG) парамагнит гранат монокристалли магнитооптикасида (ФЭ ва МДД) магнитодипол ўтишларнинг ҳиссаси бўйича тадқиқот, ва шунинг деккаралаётган кристаллнинг спектрларни оптик ютиши спектрларини қайд қилиш натижалари келтирилган. 1-расмда

$Eu_3Ga_5O_{12}$(EuGG) парамагнит гранат монокристаллида кузатилган Фарадей эффектининг [111] кристалл йўналишида H=9,0 кЭ доимий магнит майдонида 500 ÷ 800 нм тўлқин узунлигида (шунингдек, 632.8 нм ва 1150 нм лазер тўлқин узунликларида) 300K температурада ўлчанган спектрал боғланиши келтирилган. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, (Eu^{3+}) европий уч валентли нодир-ер (НЕ) иони учун V Верде доимийси рухсат этилган 4f→5d ўтишлар резонанс частоталаридан узоқроқдаги ёруғлик частоталари диапазонида спектрал боғланиши қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$V(Eu^{3+}) = \frac{K}{\lambda^2 - \lambda_0^2} + V_{gm}^{(m)} \qquad (1)$$

бу ерда биринчи ҳад EuGG даги магнито-фаол электродипол (ЭД) ўтишлардаги фарадей айланишларининг ҳиссасини ифодалайди, λ_0 = 250 нм–гранат структурасидаги Eu^{3+} ионларда содир бўладиган рухсат этилган ЭД ўтишларнинг «эффектив» деб аталувчи тўлқин узунлиги, яъни «гиромагнит» ФЭ. $V_{gm}^{(m)}$ иккинчи ҳад магнитооптик-фаол магнитодипол (МД) ўтишлар фарадей айланишларида λ тўлқин узунлигига боғлиқ бўлмаган ҳиссани ифодалайди. (1) ифодага кўра ФЭ даги $V_{gm}^{(m)}$«гиромагнит» катталик ҳиссаси V~1/(λ^2-λ_0^2) чизиқли боғланишнинг ордината ўқига экстраполяциясидан аниқланади (1-расмга қаранг). Бу йўл билан тажрибада топилган Верде «гиромагнит» доимийси катталигининг қиймати T=300 K температурада $V_{gm}^{(m)}$=+(0.0038 ± 0.0005) мин/см*Э ни ташкил қилди.

ФЭ нинг спектрал боғланишини тадқиқ қилишдан ташқари, биз Фарадей «гиромагнит» эффектини ифодаловчи муносабатни назарий ҳисоблаш амалга оширилди. Натижада $Eu_3Ga_5O_{12}$(EuGG) парамагнит гранати монокристаллида Фарадей магнитодипол эффекти учун умумий ифода $\omega^2 >> \omega_{a,b}^2$ соҳада (тушаётган электромагнит тўлқин частотаси ω МД ўтишлари резонанс частоталари ω_{ab}дан етарлича катта) T≠0 бўлмаганда қуйидаги кўринишда ёзилиши мумкин: гранат кристаллида Eu^{3+} ионларининг натижавий қабул қилувчанлиги одатда χ_1, χ_2 ва $\Delta\chi_{VV}^{(0)}$ ларнинг аддитив йиғиндиси кўринишида тасвирланади:

$$\alpha_F^{(m)}(Eu^{3+}) = \frac{2\pi\bar{n}}{c}\left(\frac{g_1 e}{mc}\right)\cdot[\chi - \frac{1}{2}(\chi_1 + \chi_2)]H = \frac{2\pi\bar{n}}{c}\left(\frac{g_1 e}{mc}\right)\cdot\chi'' H \qquad (2)$$


Гранат кристаллида Eu^{3+} ионларининг натижавий қабул қилувчанлиги одатда χ_1, χ_2 ва $\Delta\chi_{VV}^{(0)}$ ларнинг аддитив йиғиндиси кўринишида тасвирланади:

$$\chi = (\Delta\chi^{(0)}{}_{VV} + \chi_1 + \chi_2) \qquad (3)$$

χ_1 и χ_2 Eu^{3+} ионлари J_1 = 1 ва J_2 = 2 мультиплетларнинг зееман сатҳ остиларининг термик жойлашиши билан характерланувчи хусусий(парциал) магнит қабулқилувчанлиги; $\Delta\chi^{(0)}{}_{VV}$ – $^7F_0$ и $^7F_1$ мультиплетлари тўлқин функцияларининг ташқи майдонда «аралашиши» га боғлиқ бўлган қабул


қилувчанликка Ван-Флек ҳиссаси; $g_1=g_2=1,5$ – $J_1 = 1$ и $J_2 = 2$ Ланде омиллари (факторлари); $\Delta_1 \approx 350$ cm^{-1}; $\Delta_2 \approx 10^3 cm^{-1}$. Шундай қилиб, Eu^{3+} ионлари билан легирланган парамагнит бирикмаларда частотага боғлиқ бўлмаган $V_{gm}^{(m)}$ Верде «гиромагнит» доимийси Eu^{3+}ионлари магнит қабул қилувчанлиги χ(T) нинг худди шунга ўхшаш боғланишлари орқали аниқланмайди, айниқса χ(T) ва χ′′(T) ларнинг (3) ва (2) ифодалар ёрдамида ҳисобланган ва 2-расмда келтирилган температуравий боғланишларини график таққослашдан кўриниб турган 100К температурадан юқори температураларда. $V_{gm}^{(m)}$ Верде «гиромагнит» доимийсининг (4) формула бўйича назарий ҳисоблашларда олинган қиймати $V_{gm}^{(m)}$=+0.0041 мин/см*Э ни ташкил қилди ва бу катталик тажрибада олинган катталикларга мос келади.

3-расмда T=85К температура ва H=6.2кЭ майдонда $^7F_0 \rightarrow {}^5D_1$ ютилиш полосасида ёзиб олинган ютилиш (пунктир чизиқ) ва МДД (яхлит чизиқ) спектрлари келтирилган. Олинган спектрал боғланишларни таҳлил қилишдан келиб чиқадики, EuGG монокристалли МДД сида Ван-Флекнинг «аралаштириши» (B ҳисса) H майдон билан «аралаштирилган» $\Gamma_1(^7F_0)$, $\Gamma_2(^7F_1)$ ва $\Gamma_1(^7F_0)$, $\Gamma_3(^7F_1)$ ҳолатлардан $^5D_1$ мультиплетнинг яккаланган Γ_4 синглет ҳолатига ўтишлар билан аниқланади (3-расм). Айни вақтда 3-расмда 527.2 нм тўлқин узунлигида яққол кузатилаётган МДД чўққиси ютилиш чизиғидан биринчи тартибли ҳосила каби, характерли S-симон кўринишга эга бўлади, ва $\Gamma_1(^7F_0)$ асосий ҳолатидан $^5D_1$ мультиплетнинг Γ_2, Γ_3 «квазидублет»ларига




1-расм. $V(Eu^{3+}) = \dfrac{K}{\lambda^2 - \lambda_0^2} + V_{gm}^{(m)}$

функционал боғланиш. Қўшимчада: T=300К температурада ўлчанган *V* Верде (Eu^{3+}) доимийси спектрал боғланиши.



2-расм. 85÷500К температура интервалида $\chi(T)$ и $\chi''(T)$ ларнинг ҳисобланган қийматларини солиштириш.



3-расм.Eu^{3+}: GGG да $^7F_0 \rightarrow {}^5D_1$ ютилиш полосасида H = 6.2 кЭ ташқи магнит майдонда (туташ чизиқ) T = 85 К температурада МДД да ёзилган ютилиш спектрлари (пунктир чизиқ).

«синглет→квазидублет» ўтишини ифодалайди. МДД спектрида 526.6 нм ютилиш чизиғида B – ҳаднинг пайдо бўлиши H ташқи магнит майдони орқали электрон ҳолатларнинг «аралашиши» билан юзага келган нодир-ер (НЕ) иони магнитооптик фаоллигини (МОФ) бир қийматли характерловчи МДД моментлар методи ёрдамида B/D муносабатни ҳисблаш орқали тасдиқланади (исботланади).

$$\frac{B}{D}=\frac{2S_m^2}{6{,}25\Delta_1}\cdot 2g_1=\frac{1.28}{\Delta_1}\cdot 2g_1 \qquad (4)$$

бу ерда $S_m=-2\sqrt{1-m^2}=-2$ Eu^{3+} иони учун. МДД методидан фойдаланганда, бу нисбат катталиги қуйидагича тасвирланади:

$$\frac{B}{D}=2.14\frac{<\Delta A/H>_0}{<A>_0}\ (5),<A>_0=<A>_0^{(1)}\rho_0(300)+<A>_0^{(3)}+<A>_0^{(4)} \qquad (5)$$

бу ерда $<A>_0^{(1)}$ - T=85K да ўлчанган 526.6 нм тўлқин узунлигидаги ютилиш чизиғининг оптик ютилиш қобилияти нолинчи моменти (3-расм); $\rho_0(300)$ - T=300K температурада Γ_1 ($^7F_0$) штарк системаостининг больцман тўлдирилиши (зичлиги); $<A>_0^{(3)}$ ва $<A>_0^{(4)}$ лар эса 4-расмдаги 3 ва 4 ютилиш чизиқларининг нолинчи моментлари


$$<\Delta A/H>_0=<\Delta A/H>_0^{(1)}\left[\rho_0(300)-\rho_1(300)\right] \qquad (6)$$

бу ерда $<\Delta A/H>_0^{(1)}$ - T=85K да ўлчанган 526.6 нм тўлқин узунлигидаги ютилиш


чизиғининг магнитооптик ютилиш қобилияти (МДД) нолинчи моменти (3-расм), ва $\rho_1(300)$ - T=300 K температурада $\Gamma_2(^7F_1)$ штарк системаостининг больцман тўлдирилиши (зичлиги). У ҳолда (5) ифодада $2g_1$ параметр учун тажрибада аниқланган қиймат 3.42 га тенг бўлади. Бу қиймат Eu^{3+} ионларидаги Фарадей «гиромагнит» эффекти ифодасидаги $2g_1$=3.0 назарий ҳисоблашларда олинган қийматга мос келади ва EuGG НЕ-гранатида $^7F_0 \rightarrow {}^5D_1$ магнитодипол характерини тасдиқлайди.

«Иттрий-алюминий гранатида Pr^{3+} ионларида магнит доиравий дихроизми» номли тўртинчи бобда ютилиш спектрлари ва Pr^{3+}:YAG парамагнит кристалли МДД си келтирилган.


Pr^{3+}:YAG нинг магнитооптик ютилиш спектрлари Т = 90К и 300К температураларда спектрнинг УБ соҳасидаги 220 ÷ 320 нм (570 ч 31250cm^{-1}) ва кўринадиган соҳа спектрларидаги 486 ÷ 489 нм (20450 ч 20580cm^{-1}) ва 608 ÷ 612 нм (16340 ч 16450 cm^{-1}) (4-расм) тўлқин узунликларида ўлчанди. $^3H_4 \rightarrow {}^3P_0$ (1 ва 2 чизиқлар) (5-расм) ўтишлардаги МДД спектрал боғланишлари мос




4-расм. Расмнинг юқори ва қуйи қисмларида Т = 90К (туташ чизиқ) ва 293К (пунктир чизиқ) температураларда $^3H_4 \rightarrow {}^3P_0$ ва $^3H_4 \rightarrow {}^1D_2$ ютилиш полосаларида ёзилган Pr^{3+}:YAG нинг ютилиш спектри келтирилган.




5-расм. [110] кристаллографик йуналиш бўйлаб Н = 10кЭ ташқи магнит майдонда ориентацияси жараёнида Т = 90К (туташ чизиқ) ва 293К (пунктир чизиқ) Pr^{3+}:YAG да $^3H_4 \rightarrow {}^3P_0$ ютилиш полосасида ёзилган МДД даги ютилиш спектри.



6-расм. [110] кристаллографик йуналиш бўйлаб H = 10кЭ ташқи магнит майдонда ориентацияси жараёнида T = 90К (туташ чизиқ) ва 293К (пунктир чизиқ) Pr^{3+}:YAG да $^3H_4 \rightarrow {}^1D_2$ ютилиш полосасида ёзилган МДД даги ютилиш спектри.



7-расм. T = 90К (туташчизиқ) ва 293К (пунктир чизиқ) температураларда ёзилган Pr^{3+}:YAG нинг УБ ютилиш спектри интенсивлиги.



8-расм. [110] кристаллографик йуналиш бўйлаб H = 10кЭ ташқи магнит майдонда ориентацияси жараёнида 288 нм ютилиш полосаси атрофида *T* = 90 (чапдаги расм) ва 300 К (ўнгдаги расм) температураларда Pr^{3+}:YAG да ёзилган МДД ютилиш спектрлари.


ютилиш чизиқлари билан устма-уст тушади (4-расм). Температура 90К гача туширилганда МДД чизиқлари тораяди ва амплитуда бўйича ортади, бунда

уларнинг юзалари ўзгармас сақланади (5-расм). Т = 90К и 300К температураларда $^3H_4 \rightarrow {}^3P_0$ нинг ўлчанган ютилиш полосасидаги 1-ва 2-чизиқларда МДД спектрларининг температуравий табиатини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бу хусусиятлар Pr^{3+} ионининг Н ташқи магнит майдони билан асосий $^3H_4$ мультиплетининг энг қуйи штарк синглетларининг «аралашиши», яъни МДД нинг В-ҳади деб аталувчи механизмининг ҳиссаси билан асосланади. МДД нинг 1 ва 2 полосаларининг В-ҳадлари (ишора бўйича қарама-қарши) фақатгина мос равишда 0,0 $см^{-1}$ ва 50 $см^{-1}$ энергияларда ётувчи $^3H_4$, асосий мультиплетнинг $Г_3$ ва $Г_4$ штарк синглетларининг больцман тўлдирилиши (қаралаётган температурада) га боғлиқлиги сабабли, Т = 90К ва 293К температураларда қаралаётган системаостиларида тўлдирилишлар нисбати мос равишда $\rho_{Ã_3}(300K):\rho_{Ã_4}(300K)=1{,}27$, ва $\rho_{Ã_3}(90K):\rho_{Ã_4}(90K)=2{,}04$ га тенг бўлади. В-ҳаднинг абсолют қиймати МДД полоса юзаси билан аниқланишини ҳисобга олган ҳолда, тажрибада олинган катталиклардан (5-расмнинг юқори қисмига қаранг) Т = 90К ва 300К температураларда $^3H_4 \rightarrow {}^3P_0$ нинг ютилиш полосаларидаги 1-ва 2-чизиқларда МДД спектрлари хусусиятларининг нолинчи моментлари мос равишда $<\theta_0^{(1)}(300K)>:<\theta_0^{(2)}(300K)>=1{,}25$ ва $<\theta_0^{(1)}(90K)>:<\theta_0^{(2)}(90K)>=2{,}0$ га тенг бўлиб назарий ҳисоблашларга тўла мос келади. $^3H_4 \rightarrow {}^1D_2$ ютилиш полосасида МДД нинг мураккаб структураси Pr^{3+} нокрамерс НЕ-ионининг МДД А – ҳади деб аталувчи МДД нинг («диамагнит» ҳади) МДД да қаралаётган спектр соҳасида устунлик вилувчи ҳиссаси билан тушунтириш мумкин (6-расм).


УБ спектрнинг 260-310 нм (7-ва 8-расмларга қаранг) тўлқин узунликлари интервалида празеодим-иттрийли граната-алюминатнинг оптик ва магнитооптик тадқиқотларида олинган катталикларнинг таҳлили натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, кичик *T* температураларда МДД да тўлқин функциялари *H* ташқи майдон билан эффектив «қўшиладиган» Pr^{3+} ионининг асосий $^3H_4$ мултиплети асосий «квазитриплети» нинг $Г_3$ (0.0 $см^{-1}$) ва $Г_1$ (19 $см^1$) системаостиларининг термик тўлдирилиши асосий ҳиссани қўшар экан. МДД да $Г_3$ асосий сингет ҳолатининг $Г_4$ (50 $см^{-1}$) синглет ҳолатига Ван-Флек «аралашиши» билан қўшиладиган ҳисса катталиги эса тажриба натижаларига кўра темпертура пасайиши билан камаяр экан.

Шундай қилиб, биз иттрий-алюминийли гранат структурасидаги Pr^{3+} ионларда 4f→4f ман қилинган ўтишлар билан асосланган УБ-спектр соҳасида ва кўринадиган ютилиш полосаларида МДД нинг юзага келиш механизмларида асосий $^3H_4$ мультиплет ионининг учта қуйи штарк синглети ҳолатининг квантомеханик «қўшилиши» эффекти асосий роль ўйнайди деб хулоса қилишимиз мумкин, бу эса ўз навбатида таркибида уларни празеодим бўлган гранатларнинг магнит хусусиятларида устувор ҳисса қўшадиган нокрамерс НЕ-иониасосий «квазитриплети» контекстида талқин қилиш имконини беради.


